



# Реал самарали алмашув курси шарҳи

---


Ўзбекистон Республикаси Марказий банки  
2021 йил октябрь

## Реал самарали алмашув курси шарҳи

2021 йил октябрь

2021 йилнинг **октябрь ойида** истеъмол нархлари индексидан фойдаланиш орқали ҳисобланган сўмнинг **реал самарали алмашув курси индекси** сентябрь ойига нисбатан **1 фоизга** мустаҳкамланди (*Жорий йил бошига нисбатан 2,3 фоизга, базавий ой 2018 йилнинг июнига нисбатан 5,0 фоизга кўтарилди*).

### Номинал ва реал эффектив алмашув курслари индекси динамикаси




Реал самарали алмашув курсининг бундай ўсиши асосан Ўзбекистонда инфляциянинг савдо ҳамкор давлатлар инфляциясидан **юқорироқ шаклланиши** ва валюта курсларидаги турли йўналишдаги ўзгаришлар билан изоҳланади.

Жорий йилнинг октябрь ойидаги реал самарали алмашув курси индексининг **1 фоизлик** ўсувчи динамикаси таъсир жиҳатдан

**оширувчи омиллар:** ички инфляция – **1,3 фоиз банд**, савдо-ҳамкор давлатлар валюта курслари – **0,4 фоиз банд** ва сўм алмашув курси – **0,2 фоиз банд**;

**пасайтирувчи омиллар:** савдо ҳамкор давлатлар инфляцияси – **0,9 фоиз банд**.

## Реал самарали алмашув курси (REER) индексининг ўзгариш декомпозицияси



Савдо ҳамкор давлатларнинг **валюта курслари** октябрь ойи давомида АҚШ долларига нисбатан **турлича динамикани намоён этди**:

- Россия рубли **1,5 фоизга** (72,72 дан 71,62 га) қимматлашди. Бунда жаҳон бозорида нефть нархининг бир баррель учун **85 долларигача** ўсиши ҳамда Россия банки томонидан октябрь ойида асосий фоиз ставкани **7,5 фоизгача** ошириши муҳим аҳамият касб этди.
- Қозоғистон тенгеси мазкур ойда нисбатан барқарор шаклланиб, **0,4 фоизга** қадрсизланди.
- Турк лираси **7,4 фоизга** (8,89 дан 9,55 га) қадрсизланди. Бундай кескин ўзгариш мамлакатда инфляциянинг юқори даражада (йиллик 20 фоиз атрофида) сақланиб қолаётган шароитида Туркия марказий банк томонидан асосий ставка **18 фоиздан 16 фоизга** пасайтирилиши ва унинг мустақиллигига бўлган ишончнинг пасайиб бориши билан изоҳланади.
- Хитой юани ушбу ойда нисбатан барқарор даражада шаклланиб, **0,7 фоизга** мустаҳкамланди (6,45 дан 6,40 га). Хитойдан капиталнинг чиқиб кетиш хавфининг пастлиги ва ликвидликни бошқариш нисбатан осонлиги Хитой Марказий банки пул-кредит сиёсатини

ишончли ва кескин ўзгаришларсиз амалга оширишга замин яратмоқда.

Ташқи асосий савдо ҳамкор давлатларнинг деярли барчасида октябрь ойида **инфляция кўрсаткичи юқорилаб бормоқда:**

- Россияда истеъмол нархлари ойлик ҳисобда **1,1 фоизга** ошиб, йиллик **8,13 фоизгача** ўсди. Бунда, озиқ-овқат маҳсулотлари **10,9 фоизга** ҳамда ноозиқ овқат маҳсулотлари **8,2 фоизгача** ошди. Шунингдек, октябрь ойида аҳолининг инфляцион кутилмалари ҳам юқорилашда давом этди. Аҳолининг сезилган инфляцияси **16,3 фоизни** ташкил этган бўлса, кейинги 12 ой учун инфляцион кутилмалари **13,6 фоизгача** кўтарилди.
- Қозоғистонда ойлик инфляция даражаси **0,7 фоизга** кўтарилиб, йиллик ҳисобда **8,9 фоизга** етди. Қозоғистондаги умумий инфляция даражасига импорт маҳсулотлари инфляциясининг таъсири юқори бўлмоқда Шунингдек, ёқилғи маҳсулотлари нархининг ўсиши инфляцияни тезлаштирувчи омиллардан бўлмоқда.

*Истеъмол саватида импорт улуши юқори ва асосан Россия ҳиссасига тўғри келганлиги боис Россияда озиқ-овқат маҳсулотларининг 1 фоизга ўсиши Қозоғистонда ҳам мос маҳсулотларининг ўсишининг 1 - 1,5 фоизлик тезлашишига олиб келмоқда.*

- Туркияда кузатилди ойлик инфляция кўрсаткичи **2,4 фоизгача** юқорилаб, йиллик ҳисобда деярли **20 фоизга** яқинлашди. Умумий инфляцияга ноозиқ маҳсулотлари, асосан кийим-кечак ва оёқ кийимлар, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари нархининг ошиши катта ҳисса кўшди.

*Доимий юқори инфляцион кутилмалар, жаҳонда хомашё нархларнинг ўсиши, пул-кредит сиёсатининг юмшатилиши ва заиф лира Туркияда инфляцияни юқори даражада сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда.*

- Хитойда октябрь ойида истеъмол нархлари **0,7 фоизгача** тезлашиб, йиллик инфляция **1,5 фоиз** бўлди. Бу асосан ноозиқ товарлари нархининг ошиши ва хомашё етказиб беришдаги узилишлар билан изоҳланади.